

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.09.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ВЕКСЛЕР АЛЕКСАНДР СЕМЕНОВИЧ

**ЎЛЧОВЛИ ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ЎРИН АЛМАШИНУВЧИ–
ИНВARIANT ФАЗОЛАРИДА ЭРГОДИК ТЕОРЕМАЛАР**

**01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Векслер Александр Семенович

Ўлчовли функцияларнинг ўрин алмашинувчи-инвариант фазоларида
эргодик теоремалар 3

Векслер Александр Семенович

Эргодические теоремы в перестановочно-инвариантных пространствах
измеримых функций 25

Veksler Aleksandr Semenovich

Ergodic theorems in rearrangement-invariant spaces of measurable functions 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.09.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ВЕКСЛЕР АЛЕКСАНДР СЕМЕНОВИЧ

**ЎЛЧОВЛИ ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ЎРИН АЛМАШИНУВЧИ–
ИНВARIANT ФАЗОЛАРИДА ЭРГОДИК ТЕОРЕМАЛАР**

**01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/FM144 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «Ziynet» Ахборот таълим тармоғида (<http://www.ziynet.uz/>) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Чилин Владимир Иванович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Семенов Евгений Михайлович

физика-математика фанлари доктори, профессор
(Воронеж давлат университети, Россия)

Ғаниходжаев Расул Набиевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**В.И.Вернадский номидаги Қрим федерал
университети, Россия**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.09.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Аъзамов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

А.С.Садуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда классик статистик, индивидуал ва доминант эргодик теоремалари дискрет Чезаро ўрта қийматлари $S_n^T f = \frac{1}{n} \sum_{i=0}^{n-1} T^i f$ ни тавсифлаш ёки шунга ўхшаш чекли ёки чексиз σ -чекли узлуксиз μ ўлчовга эга бўлган (S, Σ, μ) ўлчовли фазода қаралаётган L_p – ўлчовли функциялар фазосидаги ўрта қийматларни тавсифлаш масалаларига келтирилади, бу ерда T ушбу Банах фазосидаги чизикли қисқартириш оператори. Статистик эргодик теорема (СЭТ) биринчи бўлиб фон Нейман томонидан L_2 фазода таъсир қилувчи изометрик оператор учун исбот қилинган. L_p фазосининг σ -чекли узлуксиз ўлчамли фазосида таъсир қилаётган мусбат қисқартирувчи операторлари учун статистик эргодик теорема, Биркгоф-Хинчиннинг индивидуал эргодик теоремаси, доминант эргодик теоремаларни тадқиқ қилиш операторлар назариясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда юқорида келтирилган эргодик теоремаларни ўрин алмашинувчи инвариант ёки симметрик фазоларда бажарилиши шартларини топиш ва ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада Биркгоф-Хинчиннинг индивидуал эргодик теоремаси аналогини олиш ва у ўрта қийматлар $\{S_n^T f\}_{n \in \mathbb{N}}$, $f \in L_1$ ни деярли барча ерда яқинлашишини, L_p фазоларидаги доминант эргодик теорема (ДЭТ) аналогини Данфорд-Шварц оператори T ва ўлчамли функция f ёрдамида қурилган мажоранта $M^T f = \sup_{n \geq 1} S_n^T(|f|)$ ни L_p фазога тегишли эканлигини тадқиқ қилиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди, хусусан, квант механиканинг классик моделлари учун индивидуал эргодик теоремаларнинг шартларини тадқиқ қилиш, статистик, индивидуал ва доминант эргодик теоремаларни ўрин алмашинувчи инвариант фазоларда аниқлаш усуллари топишга алоҳида эътибор қаратилди. Доминант эргодик теоремалари ўлчовли функциялар фазолари объектларидан фарқли объектларга умумлаштириш ва кенгайтиришда сезиларли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика, эҳтимоллик назарияси ва динамик тизимлар назарияси» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда ўлчовли функцияларнинг ўрин алмашинувчи-инвариант фазоларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789 “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги, 2017 йил 20 апрелдаги № ПҚ-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ўлчовли функцияларнинг ўрин алмашинувчи-инвариант фазоларида эргодик теоремалар бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Янги Жанубий Уэлс университети, Математика ва стаистика мактаби (Австралия); Абдус Салам номидаги Халқаро назарий физика маркази (Abdus Salam International Center for Theoretical Physics), Пиза университети (Италия); Париж университети, Тулуза университети (Франция); Москва давлат университети, Крим федерал университети, Новосибирск давлат университети, Россия фанлар академияси Математика институти (Россия); Пенсильвания штати университети, Питсбург университети (АҚШ); Торонто университети (Канада); Упсала университети (Швеция), Хелсинки университети (Финляндия); Сантьяго де Компостелло университети (Испания) ва бошқа жойларда олиб борилмоқда.

Эргодик теоремаларни тадқиқ қилиш бўйича дунёда қатор натижалар олинган, жумладан: Нейман, Биркгоф теоремалари ва доминант эргодик теоремалар каби аввалдан олинган натижалар бошқа, аввал қаралмаган, объектлар учун ишлаб чиқилган (Абдус Салам номидаги Халқаро назарий физика маркази, Италия); чекли ўлчовли фазони чексиз ўлчовли фазога алмаштириб, ўрин алмашинувчи инвариант фазолар ўрнига уларнинг нокоммутатив аналоглари учун эргодик теоремалар исботланган (Пенсильвания штати университети, АҚШ); L_p фазолар учун олинган эргодик теоремалар Орлич фазолари учун умулаштирилган (Крим федерал университети, Россия); В.А.Рохлин томонидан ишлаб чиқилган Лебег қазоларини ўлчовли бўлиш назарияси усуллари ўлчовни сақловчи Лебег фазоларининг

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: Journal of Statistical Physics, Queueing Systems, Теоретическая и математическая физика, Сибирский математический журнал, Математические заметки, Украинский математический журнал, <http://www.springer.com/mathematics>; Journal of Siberian Federal University. Mathematics and Physics, Journal of Physics: Conference Series <https://www.researchgate.net> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

автоморфизмларини харақитини ўрганилган ва Орлич фазолари умумийроқ бўлган симметрик фазолар синфининг қисм синфи бўлгани учун, мос теоремалар ушбу ҳолат учун ҳам исботланган (РФА Математика институти, Россия); нокоммутатив Лоренц фазолари изометриялари тавсифланган (Янги Жанубий Уэлс университети, Математика ва статистика мактаби, Австралия).

Дунёда бугунги кунда, симметрик фазоларнинг турли синфларида, шу жумладан Лоренц ва Марцинкевич фазоларида, эргодик теоремаларнинг турли кўринишларини олиш бўйича устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация чекли ёки σ -чекли узлуксиз ўлчовли Лебег фазосидаги ўлчовли функцияларнинг симметрик фазоларида СЭТ ва ДЭТ ларни бажарилиш муаммосини ўрганишга ва шунга боғлиқ бошқа масалаларни ечишга бағишланган. X симметрик фазода эргодик теоремаларни бажарилиш масаласи қаралади. L_p фазосидаги эргодик теоремалар табиий равишда қуйидаги савол ва масалаларга олиб келади:

Қандай СФларда маълум бир синф операторлари T ва ихтиёрий $f \in X$ учун СЭТ ва ДЭТ ўринли бўлади? Қандай СФларда бу теоремалар ўринли эмас?

Агар СФ X да СЭТ (ёки ДЭТ) ўринли бўлмаса, у ҳолда X нинг қандай максимал қисм-фазоларида бу теоремалар маълум бир синф операторлари T ва ихтиёрий f қисм-фазо элементи учун ўринли бўлади?

Агар СФ X да умумуан олганда СЭТ (ёки ДЭТ) ўринли бўлмаса, у ҳолда X да таъсир қилувчи T чизикли операторлар синфининг шундай қисм-синфини топингки ихтиёрий $f \in X$ учун СЭТ (ёки ДЭТ) ўринли бўлсин.

Диссертацияда биринчи марта операторлар ва оқимлар учун статистик эргодик теорема ўринли бўладиган чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазосидаги симметрик фазолар синфи тўлиқ тавсифланди. Бу чекли ўлчовли Лебег фазоси бўлганда сепарабел СФ ва σ -чекли ўлчовли Лебег фазоси бўлганда $X \not\subseteq L_1$ шарнги қаноатлантирувчи сепарабел СФдир.

Барча элементлари учун доминант эргодик теорема ўринли бўладиган СФ синфи тўлиқ тавсифланди. Бу (HLP) ёки Харди-Литтлвуд хоссасига эга СФдир. Олинган натижаларни Лоренц $L_{p,q}$ ва Орлич L_M фазоларига қўллаш мумкин. СФ $X \neq L_\infty$ бўлганда барча элементлари учун СЭТ ўринли бўладиган X_0 максимал қисм-фазо кўрсатилди. Бунда X_0 чегараланган функциялар тўпламини X даги нормага нисбатан ёпиғи бўлади.

ДЭТ ўринли бўлмаган СФ X учун ДЭТ ўринли бўладиган максимал синф $H(X)$ аниқланди. $H(X)$ синфи диссертациянинг IV бўлимида ёритилган. Шунинг қайд этиш керакки, бу натижа юқорида келтирилган Д.Орстейннинг (3-бетни қаранг) 1971-йилдаги натижасини анча узоққа борадиган умумлашмаси ва кенгайтмаси.

СЭТ ўринли бўлмаган СФ учун элементлари СЭТни бажарадиган автоморфизм ёки оқимлар ёрдамида ҳосил қилинган операторлар синфи аниқланди. Бу синф периодик автоморфизмлар ёрдамида ҳосил қилинган ёки

хар бир нуқтасида даврий бўлган ва нуқталарининг давлари биргаликда чегараланганлик шартини бажарадиган оқимдан ҳосил қилинган операторлар группаси бўлади.

ДЭТ ўринли бўлмаган СФ учун элеменлари ДЭТни қаноатлантирмайдиган эргодик автоморфизмлардан ҳосил қилинган операторлар синфи аниқланди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос»+«Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиклар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага тадбиқлари» (2017-2021 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: статистик, доминант ва бошқа эргодик теоремалар бажариладиган симметрик фазолар синфини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: операторлар ва оқимлар учун статистик эргодик теоремалар ўринли бўладиган чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазоларида қурилган симметрик фазоларни аниқлаш;

статистик эргодик теоремалар ўринли бўладиган чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазолар элементлари учун доминант эргодик теорема бажариладиган симметрик фазолар синфини тўлиқ тавсифлаш;

Данфорд-Шварц операторлари учун сепарабел симметрик фазоларда статистик эргодик талабларнинг бажарилиш теоремасини олиш;

L_∞ дан фарқли бўлган носепарабел симметрик фазолар учун статистик эргодик теоремани бажарилмаслигига шартларини топиш;

статистик эргодик теореманинг бажарилиши учун автоморфизм ва оқимларга мезонларни топиш;

статистик эргодик теореманинг бажариладиган қисм фазосини топиш ва унинг хоссалари аниқлаш;

Харди-Литтлвуд хоссасини қаноатлантиручи ва фақат шу ҳолда симметрик фазоларда доминант эргодик теорема ўринли бўлишини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Чекли ва σ -чекли ўлчовли Лебег фазолари, ушбу Лебег фазоларида берилган симметрик фазолар, симметрик фазоларда таъсир қилувчи Лебег фазосининг автоморфизмлари ёрдамида ҳосил қилинган ёки ҳосил қилинмаган Данфорд-Шварц операторлари тадқиқотнинг объектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Чекли ёки σ — чекли ўлчовли Лебег фазосидаги СФларда таъсир қилаётган оператор ва оқимлар учун статистик эргодик теоремалар; СФ учун доминант эргодик теорема ўринли бўлиши мезонлари; СФнинг мусбат чизикли изометриялари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда Лебег фазолари назарияси ва Лебег фазолари бўлиниш усуллари, эргодик ва траектория назарияси

усуллари, ҳамда ўлчовчи функцияларнинг симметрик фазоси усуллари қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

операторлар ва оқимлар учун статистик эргодик теоремалар ўринли бўладиган чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазоларида қурилган симметрик фазолар аниқланган;

статистик эргодик теоремалар ўринли бўладиган чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазолар элементлари учун доминант эргодик теорема бажариладиган симметрик фазолар синфи тўлиқ тавсифланган;

Данфорд-Шварц операторлари учун сепарабел симметрик фазоларда статистик эргодик талабларнинг бажарилиш теоремаси олинган;

L_∞ дан фарқли бўлган носепарабел симметрик фазолар учун статистик эргодик теоремани бажарилмаслигига шартлари топилган;

статистик эргодик теореманинг бажарилиши учун автоморфизм ва оқимларга мезонлар топилган;

статистик эргодик теореманинг бажариладиган қисм фазоси топилган ва унинг хоссалари аниқланган;

Харди-Литтлвуд хоссасини қаноатлантиручи ва фақат шу ҳолда симметрик фазоларда доминант эргодик теорема ўринли бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Диссертация назарий характерга эга бўлиб, унинг натижалари эргодик назария ва симметрик фазолар назарияси тадқиқотларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг қатъий математик исботлари, шунингдек юқори ҳалқаро рейтингга эга бўлган математик журналларда нашр этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти статистик ва доминант эргодик теоремалар бажариладиган СФлар синфини тўлиқ тавсифланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар квант эҳтимоллар назариясидаги кузатувчилар фазосининг стохастик чизиқли акслантиришлари Чезаро ўрта қийматларини яқинлашишини башорат қилишда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўлчовли функцияларнинг ўрин алмашинувчи-инвариант фазоларида эргодик теоремаларга оид олинган натижалар асосида:

статистик эргодик теореманинг бажарилиши учун автоморфизм ва оқимларга мезонлар топилиши DP150100920 рақамли «Шур ёйилмаси ва операторлар назариясининг тегишли масалари» хорижий лойиҳасида Харди-Литтлвуд хоссасини қаноатлантиручи ва фақат шу ҳолда симметрик фазоларда доминант эргодик теорема ўринли бўлиши масаласини ечиш учун қўлланилган (Янги Жанубий Уэлс университетининг 2019 йил 9 июлдаги маълумотномаси, Австралия). Илмий натижанинг қўлланиши Гильберт фазосида аниқланган чегараланмаган операторларнинг нокоммутатив симметрик фазосида Данфорд-Шварц операторларининг эргодик хоссаларини

тавсифлашга имкон берган;

операторлар ва оқимлар учун статистик эргодик теоремалар ўринли бўладиган чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазоларида қурилган симметрик фазолар FL170100052 рақамли «Нокоммутатив анализнинг янги методлари» хорижий лойиҳасида Данфорд-Шварц операторлари учун сепарабел симметрик фазоларда статистик эргодик теоремасини олиш масаласини ечиш учун қўлланилган (Янги Жанубий Уэлс университетининг, 2019 йил 9 июлдаги маълумотномаси, Австралия). Илмий натижанинг қўлланиши L_∞ дан фарқли бўлган носепарабел симметрик фазолар учун статистик эргодик теоремани бажарилмас шартларини топишга имкон берган;

функционал фазоларда таъсир қилаётган Данфорд-Шварц операторларининг аниқланган эргодик хоссаларида 16-11-10 125 рақамли «Операторные уравнения в функциональных пространствах и приложения к нелинейному анализу» лойиҳада Лоренц фазоларнинг изометриялари тавсифлаш масаласини ечиш учун қўлланилган (Крим федерал университетининг 2019 йил 27 августдаги 9-29-286-сон маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланиши статистик эргодик теорема бажарилиши учун автоморфизм ва оқимларга мезонлар топишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 та мақола хорижий ва 4 та мақола республика журналларида, 2 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация кириш қисм, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат (1 ва 2 қисм).

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Зарурий маълумотлар» деб номланувчи биринчи боби зарур бўлган таърифлар, маълумотлар ва баъзи маълум натижаларга бағишланган.

Кейинги ўринларда бизга куйидаги тушунчалар керак бўлади.

(S, Σ, μ) - чекли ёки σ -чекли ўлчовли Лебег фазоси бўлсин. S да берилган иккита ўлчовли функциялар f_1 ва f_2 тенгўлчовли дейилади, агар ҳар бир $\tau \in \mathbb{R}$ учун

$$\eta_{f_1}(\tau) \stackrel{\text{def}}{=} \mu\{s \in S: f_1(s) > \tau\} = \mu\{s \in S: f_2(s) > \tau\} = \eta_{f_2}(\tau)$$

тенглик ўринли бўлса. Агар $|f_1|$ ва $|f_2|$ функциялар тенгўлчовли бўлса, у ҳолда буни биз $f_1 \sim f_2$ каби белгилаймиз.

S да берилган ҳақиқий ўлчовли функцияларнинг Банах фазоси $(X, \|\cdot\|_X)$ симметрик фазо (СФ) ёки ўрин алмашинувчи инвариант фазо дейилади, агар куйидаги шартлар бажарилса:

- (i) $f_1 \sim f_2 \in X \Rightarrow f_1 \in X$ ва $\|f_1\|_X = \|f_2\|_X$;
- (ii) $|f_1| \leq |f_2|$ и $f_2 \in X \Rightarrow f_1 \in X$ ва $\|f_1\|_X \leq \|f_2\|_X$.

СФларга мисол сифатида L_p , ($1 \leq p \leq \infty$), L_M Орлич, Λ_φ Лоренц, M_ψ Марцинкевич фазоларини келтириш мумкин.

СФ X учун $L_1 \cap L_\infty \subseteq X \subseteq L_1 + L_\infty$ ўринли бўлади. Хусусан, ўлчов μ чекли бўлганда $L_\infty \subseteq X \subseteq L_1$ ўринли бўлади.

(S, Σ, μ) фазонинг ўлчовни сақловчи *mod 0* автоморфизми деб ўзаро бир қийматли икки томонлама ўлчовли (яъни T ва T^{-1} ўлчовли) ҳар бир $A \in \Sigma$ учун $\mu(T^{-1}A) = \mu A$ шартни қаноатлантирадиган $T: S \rightarrow S$ акслантиришга айтилади.

T — ўлчовни сақловчи автоморфизм бўлсин. Ушбу символ T , баъзида U_T оркали, $Tf(s) = U_T f(s) \stackrel{\text{def}}{=} f(Ts)$, $s \in S$ каби аниқланган S даги ўлчовли функциялар алгебрасида таъсир қилувчи чизикли операторни белгилаймиз.

Агар T акслантириш S нинг ўлчовни сақловчи автоморфизми бўлса, у ҳолда $U_T f \sim f$ бўлади ва U_T ҳар бир СФ X да изометрия бўлиб таъсир қилади.

L_1 ва L_∞ жуфтликка нисбатан СФ X интерполяцион дейилади, агар L_1 ва L_∞ да таъсир қилувчи ҳар бир чизикли узлуксиз оператор X фазода ҳам узлуксиз таъсир қилса.

DS Данфорд-Шварц операторлари тўплами бўлсин, яъни $T \in DS$, бу шундай L_1 ва L_∞ фазоларида таъсир қилувчи чизикли узлуксиз операторларки, бундай операторлар куйидаги иккита шартни ҳам қаноатлантиради:

- i. $f \in L_1 \Rightarrow Tf \in L_1$ ва $\|T\|_{L_1 \rightarrow L_1} \leq 1$;
- ii. $f \in L_\infty \Rightarrow Tf \in L_\infty$ ва $\|T\|_{L_\infty \rightarrow L_\infty} \leq 1$.

L_1 ва L_∞ жуфтликка нисбатан интерполяцион СФ X *1* константали интерполяцион ёки аниқ интерполяцион симметрик фазо (а.и.с.ф.) дейилади, агар ҳар бир $T \in DS$ оператор X ни ўзига акслантириб $\|T\|_{X \rightarrow X} \leq 1$ тенгсизликни қаноатлантирса.

S фазонинг бирпараметрли $\{T^\tau\}_{\tau \in \mathbb{R}}$ автоморфизмлари *оқим* дейилади,

агар $\psi(s, \tau) = T^\tau s$ каби аниқланган ψ акслантириш $S \times \mathbb{R}$ тўғри кўпайтмада ўлчовли бўлса.

Оқимга мисол. Айлананинг айланиши деб биз $T^\tau s = s + \tau \pmod{1}, s \in [0,1]$, формула ёрдамида аниқланган оқимни тушунамиз, бунда $[0,1]$ сегментда Лебег ўлчови қаралади.

Айланани айланишига изоморф компоненталарга эга бўлмаган оқимни ҳеч қаерда транзитив эмас деймиз. Махсус оқим тушунчаси яхши маълум ва I.4 бўлимда аниқланган. Шунингдек, диссертацияда фаол фойдаланилган куйидаги факт яхши маълум:

Теорема I.4.1 (оқимларни махсус кўриниши ҳақида). *Кўзгалмас нуқталарга эга бўлмаган Лебег фазосидаги ихтиёрий $\{T^\tau\}$ оқим қандайдир махсус оқимга метрик изоморф бўлади.*

(S, Σ, μ) да таъсир қилаётган оқим айлананинг айланишига изоморф бўлса, бундай оқимни биз *транзитив* деб атаймиз.

Айлананинг айланишига изоморф бўлган компонентага эга бўлмаган оқимга биз *ҳеч қаерда транзитив* бўлмаган оқим деймиз.

(S, Σ, μ) чекли ёки σ -чекли узлуксиз μ ўлчовли Лебег фазоси бўлиб, $T \in DS$ Данфорд-Шварц оператори бўлсин (Хусусан, T оператори $Tf(s) = f(Ts)$ тенглик ёрдамида аниқланган бўлиши мумкин, бу ерда T акслантириш S даги ўлчовни сақловчи автоморфизмидир).

Ўрта қийматлар $S_n^T = \frac{1}{n} \sum_{i=0}^{n-1} T^i$ Чезаро (дискрет) ўрта қийматлари дейилади.

Худди шу каби, Данфорд-Шварц операторлари группасини ҳосил қилувчи оқим $\{T^\tau\}_{\tau \in R}$ учун $R_x f(s) = \frac{1}{x} \int_0^x T^\tau f(s) d\tau = \frac{1}{x} \int_0^x f(T^\tau s) d\tau$, $f \in L_1 + L_\infty$, $(0 < x \in R)$ формула ёрдамида аниқланган ўрта қийматлар R_x Чезаро (узлуксиз) ўрта қийматлари дейилади.

$(X, \|\cdot\|_X)$ Банах фазоси бўлиб, X да таъсир қилувчи барча чизиқли чегераланган операторлар $B(X)$ бўлсин. J — йўналтирилган тўплам учун $\{T_\tau\}_{\tau \in J} \subset B(X)$ операторлар тармоғи берилган бўлсин.

Агар барча $x \in X$ учун $\|T_\tau(x) - T(x)\|_X \rightarrow 0, \tau \in J$ шарт бажарилса, у ҳолда $\{T_\tau\}_{\tau \in J}$ тармоқи $T \in B(X)$ операторига *кучли оператор топологияси* бўйича яқинлашади дейилади.

Барча $x \in X, \tau_0 \in R$ учун $\lim_{\tau \rightarrow \tau_0} \|T^\tau(x) - T^{\tau_0}(x)\|_X = 0$ шарт бажарилса, у ҳолда оқим $\{T^\tau\}_{\tau \in R}$ кучли узлуксиз (ёки кучли оператор топологиясига нисбатан узлуксиз) дейилади.

Соддалаштирилган ҳолда куйидаги маълум натижаларни келтирамиз:

Теорема I.4.2 (Дж. фон Нейман). *Ихтиёрий оқим L_2 фазодаги кучли оператор топологиясида узлуксиз бўлади.*

Теорема I.5.1 (Биркгоф–Хинчиннинг индивидуал эргодик теоремаси) (S, Σ, μ) нормаланган ($\mu S = 1$) ўлчовли фазо ва $f \in L_1(S, \Sigma, \mu)$ бўлсин. У ҳолда $S_n^T f$ ва $R_x f$ ўрта қийматлар деярли ҳамма ерда яқинлашади.

Теорема I.5.2 (L_p -фазоларда статистик эргодик теоремалар). T Данфорд–Шварц оператори бўлсин. У ҳолда S_n^T Чезаро ўрта қийматлари

(S, Σ, μ) чекли узлуксиз ўлчов фазосидаги L_p , $1 \leq p < \infty$ фазосининг кучли оператор топологиясида яқинлашади.

Диссертациянинг «Чекли ўлчов учун статистик эргодик теорема» деб номланувчи иккинчи боби чекли узлуксиз Лебег фазосида СФ X учун статистик эргодик теоремани бажарилиш шартларини ўрганишга бағишланган. Ушбу теоремаларда Чезаро S_n^T ва R_x ўрта қийматларини мос равишда $n \rightarrow \infty$ ёки $x \rightarrow +\infty$ бўлганда X да кучли оператор топологиясига нисбатан яқинлашиши ўрганилади.

Ушбу боб ўнта бўлимга бўлинган бўлиб, II.11 бўлимда II боб натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар баён қилинган.

II.1 ва II.2 бўлимлари автоморфизм ва оқимларнинг махсус тасвирларини ўрганишга бағишланган. Чегараланган ёки чегараланмаган юқори функцияга эга бўлган аperiодик автоморфизм ёки оқимнинг кўплаб махсус тасвирлари мавжуд эканлиги исботланган. Бу тасвирлар асосий натижаларни исботлашда ишлатилади.

II.3 бўлимда носепарабел СФ $X \neq L_\infty$ ўрганилади. Бу ҳолда фундаментал функция $\varphi_X(t) = \|\chi_A\|_X$ учун $\varphi_X(+0) = 0$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда $A \subseteq S$ ва $\mu A = t$.

X_0 орқали X даги чегараланган функцияларнинг X нормага нисбатан ёпиғини белгилаймиз. Маълумки, X_0 фазо L_1 ва L_∞ жуфтлигига нисбатан интерполяцион сепарабел симметрик фазо бўлади.

$\rho(f, X_0)$ ифода $f \in X$ элементдан X_0 гача бўлган масофа бўлсин:

$$\rho(f, X_0) = \inf_{g \in X_0} \|f - g\|_X.$$

II.3 бўлимда $\rho(f, X_0)$ функционалнинг ҳисоблаш формуласи, хоссалари ва турли хил баҳолар келтирилади. Ушбу натижалар мустақил ахамиятга эга бўлган ҳолда II.5 ва II.10 бўлимларда ишлатилади.

II.4 бўлим чекли узлуксиз μ ўлчовли Лебег фазосида сепарабел СФга бағишланган. Ушбу бўлимда исбот қилинган II.4.3, II.4.4, II.4.5 теоремаларидан қуйидагилар келиб чиқади:

i. Агар $T \in DS$ бўлса, у ҳолда S_n^T Чезаро ўрта қийматлари $n \rightarrow \infty$ бўлганда X да кучли оператор топологиясига нисбатан яқинлашади;

ii. Агар $\{T^\tau\}_{\tau \in R}$ тармоқ S да оқим бўлса, у ҳолда $T^\tau f(s) = f(T^\tau s)$ группаси ихтиёрий $\tau_0 \in R$ нуктада кучли узлуксиз бўлади;

iii. Агар $\{T^\tau\}_{\tau \in R}$ тармоқ S да оқим бўлса, у ҳолда R_x Чезаро ўрта қийматлари $x \rightarrow +\infty$ бўлганда X да кучли оператор топологиясига нисбатан яқинлашади.

II.5 бўлимда L_∞ дан фарқли носепарабел СФлар ва Лебег фазосида ўлчовни сақловчи автоморфизмлар ёрдамида ҳосил қилинган T чизиқли операторлар қаралади.

Бундай СФларда СЭТ Лебег фазоси автоморфизми периодик бўлганда ва фақат шу ҳолдагина бажарилиши биринчи марта исботланди.

(S, Σ, μ) чекли узлуксиз ўлчовли Лебег фазосида X СФ ($X \neq L_\infty$) берилган бўлиб, T акслантириш S да ўлчовни сақловчи автоморфизм бўлсин. Эслатиб ўтамизки, T автоморфизми периодик дейилади, агар шундай $N > 0$

сони топилсаки $T^N = I$ тенглик ўринли бўлса, бу ерда I айний автоморфизм.

У ҳолда:

а) СФ X да фақат ва фақат $X = X_0$ бўлганда, яъни X сепарабел бўлган ҳолдагина СЭТ бажарилади, яъни $S_n^T f$ ўрта қийматлари S нинг ихтиёрий автоморфизми T учун $n \rightarrow \infty$ бўлганда X да яқинлашади.

Шунингдек, X носепарабел бўлса, яъни $X \neq X_0$ бўлса, у ҳолда

б) Автоморфизм учун $f \in X$ элементи СЭТни қаноатлантириши, яъни $S_n^T f$ кетма-кетлик $n \rightarrow \infty$ бўлганда S фазонинг ихтиёрий T автоморфизми учун яқинлашиши $f \in X_0$ шартга эквивалентдир;

с) T автоморфизми S да СЭТни қаноатлантириши, яъни $S_n^T f$ кетма-кетлик $n \rightarrow \infty$ бўлганда ихтиёрий $f \in X$ учун X да яқинлашиши T нинг даврий бўлишига эквивалентдир.

Юқорида келтирилган натижалар қуйидаги теоремадан келиб чиқади:

Теорема II.5.1 (Носепарабел СФларда СЭТ). Чекли узлуксиз ўлчовли Лебег фазосида X ($X \neq L_\infty$) СФ берилган бўлиб, T ўлчовни сақловчи автоморфизм бўлсин. У ҳолда

S_n^T Чезаро ўрта қийматлари $n \rightarrow \infty$ бўлганда X да кучли оператор топологиясига нисбатан яқинлашиши T нинг периодик эканлигига эквивалентдир. Бундан ташқари, агар T периодик бўлмаса, у ҳолда ҳар бир $f \in X \setminus X_0$ функцияси учун у билан тенгўлчовли $\hat{f}$ топиладики, бунда $S_n^T \hat{f}$ кетма-кетлик $n \rightarrow \infty$ бўлганда X да яқинлашмайди.

Қуйидаги тасдиқ II.5.1 теоремада тенгўлчовли функцияга ўтиш муҳим омил эканлигини кўрсатади.

X ($X \neq L_\infty$) фазо S даги носепарабел симметрик фазоси бўлиб, σ эса T ни эргодик компоненталарга ўлчовли тақсимланиши бўлсин.

Тасдиқ II.5.2. Фактор-фазо S/σ узлуксиз ўлчовга эга бўлиб, T автоморфизм периодик бўлмасин. У ҳолда ҳар бир $f \in X \setminus X_0$ функцияси учун у билан тенг ўлчовли $\hat{f}$ функцияси мавжудки, $S_n^T \hat{f}$ ўрта қийматлари X да яқинлашади.

Шундай қилиб, ушбу ҳолатда ҳар бир функция $f \in X \setminus X_0$ учун у билан тенгўлчовли функциялар $\hat{f}$ ва $\hat{\hat{f}}$ топиладики, $S_n^T \hat{f}$ ўрта қийматлари X да яқинлашмайди, $S_n^T \hat{\hat{f}}$ ўрта қийматлари эса, X да яқинлашади.

II.6 бўлимда S/σ фактор фазонинг ўлчови узлуксиз бўлмаганлиги, S/σ ўзи эса битта атомдан ташкил топганлиги билан эътиборли T эргодик автоморфизм ҳолати қаралган (юқоридагидек, σ бу T автоморфизмни эргодик компоненталарга ўлчовли бўлиниши). Эргодик автоморфизм T учун носепарабел СФ X да $S_n^T f$ нинг яқинлашиши ва $\rho(S_n^T f, X_0)$ кетма-кетлик орасидаги боғлиқликни ўрганишга бағишланган.

Теорема II.6.1. T акслантириш S даги эргодик автоморфизм, X ($X \neq L_\infty$) фазо S даги носепарабел СФ ва $f \in X$ бўлсин. У ҳолда, $S_n^T f$ ўрта қийматлари X да яқинлашиши учун $\lim_{n \rightarrow \infty} \rho(S_n^T f, X_0) = 0$ ни бажарилиши зарур ва етарли.

II.7 бўлимда симметрик фазолар ва носепарабел СФ X элементлари учун

DWI ва DBI геометрик хоссалари таърифлари келтирилган.

X ($X \neq L_\infty$) носепарабел СФ Лебег ўлчовли $S = [0,1]$ сегментда берилган бўлсин. D_n орқали S да берилган $f(t)$ функциянинг чўзиш операторини белгилаймиз:

$$D_n f(t) \stackrel{\text{def}}{=} f(t/n) = \begin{cases} f(t/n), & \text{если } t \in [0,1]; \\ 0, & \text{если } t \notin [0,1]. \end{cases}$$

Қайд этиш лозимки, агар $f \geq 0$ ўсувчи ўлчовли функция бўлса, у ҳолда $m \leq n$ тенгсизликдан $D_m f \leq D_n f$ тенгсизлик келиб чиқади. У ҳолда қуйидаги тенгсизлик ҳам ўринли:

$$\rho(D_m f, X_0) \leq \rho(D_n f, X_0), \text{ агар } m \leq n.$$

f^* функцияси $[0,1]$ сегментда берилган f функциянинг камаювчи ўрин алмашиниши бўлсин. Биз $f \in X$ элемент

- агар $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{\rho(D_n f^*, X_0)}{n} = 0$, бўлса (DWI) — *Distance Weak Increase* шартни,

- агар $\rho(D_n f^*, X_0)$, $n \in \mathbb{N}$, кетма-кетлик чегараланган бўлса, (DBI) — *Distance Bounded Increase* шартни қаноатлантиради деймиз.

СФ X (DWI) (мос равишда (DBI)) шартни қаноатлантиради деймиз, агар ҳар бир $f \in X$ элемент (DWI) (мос равишда (DBI)) шартини қаноатлантирса.

Қайд этиш лозимки, (DBI) шартни бажарилишидан (DWI) шартни ҳам бажарилиши келиб чиқади.

Тасдиқ II.7.2. X ($X \neq L_\infty$) фазо $S = [0,1]$ сегментдаги СФ бўлиб, S нинг T автоморфизми учун, чегараланмаган r юқори функцияли махсустасвири (S_0, μ_0, r, T_0) мавжуд бўлсин (автоморфизм учун махсустасвир тушунчаси I бобда берилган бўлиб II.1 бўлимда ўрганилган).

У ҳолда ихтиёрий $f \in X$ функцияси учун f билан тенгўлчовли $\tilde{f}$ функция мавжудки, ҳар бир натурал сон $n \geq 1$ учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади

$$\rho(S_n^T \tilde{f}, X_0) = \frac{\rho(D_n f^*, X_0)}{n}.$$

T даврий бўлмаган ҳолда, II.1.1-теоремага кўра S фазонинг T автоморфизми r чегараланмаган юқори функцияли (S_0, μ_0, r, T_0) махсус кўринишга эга бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтамиз. Хусусан, бу қуйидаги ҳолатларда (ёки уларнинг комбинациясида) ўринли:

(1) T даврий эмас, лекин локал даврий бўлади;

(2) T аperiодик бўлади, бу ҳолда T нинг қисқартмаси эргодик бўладиган мусбат ўлчовли T -инвариант қисм тўплам мавжуд эмас;

(3) T эргодик бўлади.

II.6.1 теорема ва II.7.2 тасдиқдан қуйидаги натижа келиб чиқади.

Натижа II.7.3.

T Лебег ўлчовли $[0,1]$ сегментнинг эргодик автоморфизми бўлсин. Агар X СФси (DWI) шартини қаноатлантирса, у ҳолда ҳар бир $f \in X$ элементи учун у билан тенгўлчовли $\tilde{f}$ функцияси мавжудки, $S_n^T \tilde{f}$ ўрта қийматлари X да яқинлашади.

II.8 ва II.9 бўлимларда юқорида келтирилган (DWI) ва (DBI) шартларини қаноатлантирувчи ва қаноатлантирмайдиган СФларга мисоллар келтирилган. Шунингдек, (DWI) хоссаси билан баъзи экзотик симметрик фазоларнинг геометрик хоссалари орасидаги боғланишлар тавсифланган.

Тасдиқ II.8.1.

(a) Ҳар бир L_M Орлич фазоси (DBI) ва (DWI) шартларини қаноатлантиради;

(b) (DWI) ва шунинг учун (DBI) шартини ҳам қаноатлантирмайдиган M_ψ Марцинкевич фазоси мавжуд.

II.9 бўлимда (DWI) хоссанинг симметрик фазоларнинг геометрик хоссалари билан боғлиқ томонлари тавсифланган. Ҳар бир Орлич фазоси (DWI) хоссасига эгалиги ҳақидаги теореманинг муқобил исботи берилган, шунингдек шу хоссага эга Марцинкевич фазоларининг синфи тўлиқ тавсифланган. Марцинкевич M_ψ фазоси (DWI) шартни қаноатлантириши учун қуйидаги тенгсизликни бажарилиши зарур ва етарли эканлиги исбот қилинган:

$$\liminf_{t \rightarrow +0} \frac{\psi(2t)}{\psi(t)} > 1.$$

II.10 бўлимда $\{T^\tau\}_{\tau \in R}$ оқим, унга қўшма бўлган $\{U^\tau\}_{\tau \in R}$ операторлар группаси ва X да ушбу оқим ёрдамида ҳосил қилинган ўрта қиймат операторлари R_x хоссалари ўрганилади.

Ўлчовли функциялар фазосида таъсир қилувчи оқимга қўшма операторлар группаси сепарабел СФ X да кучли узлуксиз ва носепарабел X да СЭТ бажарилиши биринчи бўлиб исбот қилинди.

Теорема II.10.1 (Оқимга қўшма группанинг узлуксизлиги ҳақида). *Чекли узлуксиз ўлчовли Лебег фазосидаги X симметрик фазо бўлсин, $X \neq L_\infty$. Оқимга қўшма операторлар группаси $U^\tau f(s) = f(T^\tau s)$ СФ X да кучли узлуксиз бўлиши учун X ни сепарабел бўлиши зарур ва етарлидир.*

Носепарабел СФ X да оқимлар учун СЭТни бажарилишини ўрганишдан олдин, ҳар бир $x > 0$ да R_x акслантириш X да таъсир қилиш масаласини қараймиз.

$\{U^\tau\}$ группанинг кучли узлуксизлиги R_x ўрта қийматларнинг X да таъсир қилиши учун етарли шарт бўлади, лекин албатта зарурий бўлмайди.

Теорема II.10.2 (Узлуксиз ўрта қийматларнинг СФда таъсир қилиши ҳақида).

(a) Агар X СФси L_1 ва L_∞ жуфтлигида интерполяцион бўлса, у ҳолда барча $x > 0$ учун R_x ўрта қийматлари X да таъсир қилади.

(b) Агар X СФси L_1 ва L_∞ жуфтлигида интерполяцион бўлмаса, у ҳолда ихтиёрий нотривиал ҳеч қаерда транзитив бўлмаган $\{T^\tau\}$ оқими ва ихтиёрий $x_0 > 0$ учун шундай $\hat{f} \in X$ функция мавжудки бунда $R_{x_0} \hat{f} \notin X$ бўлади.

Шундай қилиб, R_x ўрта қийматлари фақат L_1 ва L_∞ жуфтлигида интерполяцион бўлган СФларда ўрганилади.

Узлуксиз ўлчовли (S, Σ, μ) Лебег фазосида $\{T^\tau\}$ оқими берилган бўлсин.

$s \in S$ нуқтани $\{T^\tau\}$ оқимнинг даврий нуқтаси деймиз, агар шундай $\tau > 0$ мавжуд бўлиб, $T^\tau s = s$ тенглик ўринли бўлса.

P орқали нотривиал $\{T^\tau\}$ оқимнинг барча даврий нуқталари тўпламини белгилаймиз. У ҳолда қуйидаги функция

$$p(s) = \begin{cases} \inf \{ \tau > 0 : T^\tau s = s \}, & s \in P, \\ \infty, & s \in S \setminus P, \end{cases}$$

P ўлчовли ва чекли бўлади.

II.4.5 теоремасига кўра, оқимлар учун сепарабел СФларда СЭТ ўринли.

Теорема II.10.4. X ($X \neq L_\infty$) носепарабел L_1 ва L_∞ жуфтлигида интерполяцион бўлган СФ бўлсин.

(i) Агар оқим $\{T^\tau\}$ ҳар бир нуқтада даврий ва даврлар (mod 0) бўйича биргаликда чегараланган бўлса (яъни $0 \leq p \in L_\infty$), у ҳолда R_x ўрта қийматлари $x \rightarrow +\infty$ бўлганда кучли оператор топологиясига нисбатан X да яқинлашади.

(ii) Агар ҳеч қаерда транзитив бўлмаган нотривиал $\{T^\tau\}$ оқими (i) пунктини шартларини қаноатлантирмаса, у ҳолда ҳар қандай $f \in X \setminus X_0$ функцияси учун у билан тенгўлчовли $\hat{f}$ функция топиладики, $\{R_x \hat{f}\}$ ўрта қийматлари $x \rightarrow +\infty$ бўлганда X да яқинлашмайди.

II бобда исботланган натижалардан қуйидаги ҳулосаларни қилиш мумкин.

Агар X СФ сепарабел бўлса, у ҳолда X да автоморфизмлар ва оқимлар учун статистик эргодик теоремалар бажарилади.

Агарда X СФ носепарабел, X_0 тўплам чегараланган функциялар тўпламининг X да ёпиғи бўлса, у ҳолда X_0 СФ сепарабел бўлади, шунинг учун X_0 да юқорида келтирилган теоремалар ўринли.

S Лебег фазоси автоморфизмлари ва оқимларининг тузилишини ўрганганимизда, биз уларнинг ҳар бири махсус автоморфизм ёки оқим кўринишида тасвирланишини кўришимиз мумкин. Агар автоморфизм даврий бўлмаса, у ҳолда унинг чегараланмаган юқори функцияли махсус тасвири мавжуд, бу ҳолда бундай натижа оқимлар учун ҳам ўринли. Бундай тасдиқларга II.1 ва II.2 бўлимларнинг натижалари асос бўлади. Улар турли хоссаларга эга автоморфизмларнинг махсус тасвирларини олишга имконият беришади.

Энди СЭТ бажарилмайдиган носепарабел $X \neq L_\infty$ СФ ни қараб, биз $f \in X \setminus X_0$ элементни танлашимиз мумкин. Агар T S даги нодаврий автоморфизм бўлса, у ҳолда унинг юқори функцияли махсус кўриниши бор. $f \in X \setminus X_0$ билан турли ўлчовли бўлган ва танланган T автоморфизмнинг махсус кўринишига мос у ёки бу $\hat{f}$ элементларни танлаб, биз ҳам яқинлашмайдиган, ҳам яқинлашадиган $S_n^T \hat{f}$ кетма-кетликларни олишимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, $S_n^T \hat{f}$ кетма-кетликнинг яқинлашиш ёки яқинлашмаслик имконияти симметрик фазоларнинг II-бобнинг II.7-бўлимида аниқланган геометрик хоссалари билан, яъни (DWI) ёки (DBI) тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Бу шартлар $S_n^T \hat{f}$ ўрта қийматларнинг ўзини тутиши билан ҳеч қандай боғлиқ эмас, балки D_n сиқиш операторларига тегишли.

Ўзидан ўзи (DWI) ёки (DBI) шартлари II.9-бўлимда қисқа айтиб ўтилган чуқур саволлар билан боғлиқ, аниқроғи $\Omega'(f) = \Sigma'(f)$ орбита кучсиз компактлиги ҳақидаги Рифф теоремасининг аналог, ва Крейн–Мильман теоремасига кўра, ўзининг четки нукталар қавариқ қобиғининг ёпиғи бўлади, бу ерда Σ' бистохастик операторлар ярим группаси.

Шунингдек, (DWI) хоссасига эга симметрик фазолар тўплами сингуляр симметрик функционалларга эга анча симметрик фазолар тўплами билан устма-уст тушишини таъкидлашимиз мумкин.

Шундай қилиб, $X \neq L_\infty$ да СЭТ ни бажарилиш ёки бажарилмаслик имконияти ушбу симметрик фазонинг геометрияси билан чамбарчас боғлиқ.

Диссертациянинг «**Чексиз ўлчов учун статистик эргодик теорема**» деб номланувчи учинчи боби σ — чекли узлуксиз ўлчовли Лебег фазоларидаги симметрик фазоларда СЭТни бажарилиш шартлари, ҳамда ушбу фазолардаги чизикли қискартириш операторларини ўрганишга бағишланган. Ушбу боб тўрт бўлимга бўлинган.

III.1 ва III.2 бўлимларда чекли ўлчовли Лебег фазосидагидан фарк қиладиган тушунчалар σ — чекли ўлчовли Лебег фазолари учун келтирилиб, улар ҳақида умумий маълумотлар берилган.

Асосий натижалар **III.3 бўлимида** келтирилган ва исботланган. Ушбу натижалар **III.4 бўлимида** L_M Орлич ва Λ_ψ Лоренц фазолари учун мос равишда $M(t)$ ва ботик $\psi(t)$ функциялари ёрдамида қулланилган.

III бобда (S, Σ, μ) — σ чекли узлуксиз μ ўлчовли Лебег фазоси ва X эса (L_1, L_∞) жуфтлигига нисбатан а.и.с.ф. деб тахмин қилинади. X да таъсир қилувчи Данфорд-Шварц $T \in DS$ операторлари қаралади.

Теорема III.3.1 (чексиз ўлчов учун СЭТ). X ўлчовли фазо (S, Σ, μ) да (L_1, L_∞) жуфтлигига нисбатан а.и.с.ф. бўлсин. Қуйидаги шартлар эквивалентдир:

(i) Барча $T \in DS$ учун S_n^T Чезаро ўрта қийматлари $n \rightarrow \infty$ бўлганда X да кучли яқинлашади;

(ii) X фазо сепарабел ва $X \not\subseteq L_1(S, \Sigma, \mu)$ муносабат ўринли.

Натижа III.3.9. X ўлчовли фазо (S, Σ, μ) да (L_1, L_∞) жуфтлигига нисбатан а.и.с.ф. бўлсин. Қуйидаги шартлар эквивалентдир:

(i) $X \in (СЭТ)$;

(ii) X фазо сепарабел ва $\alpha(X) = \lim_{t \rightarrow +\infty} \frac{\varphi_X(t)}{t} = 0$ тенглик ўринли.

$M(u)$ — Орлич функцияси ва

$$L_M = \{f \in L_0(\mu): \int_0^\infty M\left(\frac{|f|}{\lambda}\right) d\mu < \infty \text{ бирон бир } \lambda > 0 \text{ учун}\}$$

Люксембург

$$\|f\|_M = \inf \left\{ \lambda > 0: \int_0^\infty M\left(\frac{|f|}{\lambda}\right) d\mu \leq 1 \right\}$$

нормали Орлич фазоси бўлсин.

Маълумки, $(L_M, \|\cdot\|_M)$ а.и.с.ф. бўлиб, бунда L_M фазоси $M(t)$ Орлич

функцияси Δ_2 шартни (барча $t \geq t_0$ лар учун $M(2t) \leq kM(t)$ тенгсизликни қаноатлантирадиган шундай $k > 0$ ва $t_0 \geq 0$ сонлари мавжудлиги) қаноатлантирганда сепарабел бўлади.

Теорема III.4.1. $M(t)$ Орлич фугнкцияси Δ_2 шартни ва $\lim_{t \rightarrow +\infty} \frac{M(t)}{t} = \infty$ ни қаноатлантирганда ва фақат шу ҳолдагина $(L_M, \|\cdot\|_M) \in (CЭТ)$ муносабат ўринли бўлади.

$[0, +\infty)$ да нолдан фаркли ўсувчи ботик $\psi(0) = 0$ шартни қаноатлантирувчи ψ функцияси берилган бўлиб, $\Lambda_\psi = \{f \in L_0(\mu) : \|f\|_{\Lambda_\psi} = \int_0^\infty f^*(t) d\psi(t) < \infty\}$ мос *Лоренц фазоси* бўлсин. Бу ерда f^* функцияси f нинг камаювчи ўрин алмашиши, яъни $|f|$ функсия билан тенгўлчовли ўнг тарафдан узлуксиз ўсмайдиган функциядир. Маълумки, $(\Lambda_\psi, \|\cdot\|_{\Lambda_\psi})$ а.и.с.ф. бўлиб, $\psi(+0) = 0$ ва $\psi(+\infty) = +\infty$ шартлар бажарилганда ва фақат шу ҳолдагина сепарабел бўлади.

Бундан ташқари, $\varphi_{\Lambda_\psi}(t) = \psi(t)$ тенглик ўринли бўлади. Шундай қилиб, қуйидаги теорема ўринли.

Теорема III.4.2. $\psi(+0) = 0$, $\psi(+\infty) = +\infty$ ва $\lim_{t \rightarrow +\infty} \frac{\psi(t)}{t} = 0$ шарлтари бажарилганда ва фақат шу ҳолдагина $(\Lambda_\psi, \|\cdot\|_{\Lambda_\psi}) \in (CЭТ)$ муносабат ўринли бўлади.

Диссертациянинг «**Доминант эргодик теорема**» деб номланувчи тўртинчи боби симметрик фазоларда доминант эргодик теорема бажарилиш шартларини ўрганишга бағишланган. Бу боб учта бўлимга бўлинган.

Биринчи бўлимда Харди-Литтлвуд ((HLP)) хоссасига эга бўлган симметрик фазоларнинг тавсифлари берилган.

IV бобнинг иккинчи бўлимда X СФси ((HLP)) хоссага эга бўлганда ва факта шу ҳолда X да ДЭТ ўринли бўлиши кўрсатилади. Бундан ташқари ДЭТ ўринли бўладиган бошқа мезонлар ҳам келтирилади.

IV бобнинг охирги бўлими $L_{p,q}$ Лоренц ва L_M Орлич фазоларида ДЭТни бажарилишига бағишланган. Ушбу фазоларда ДЭТни бажарилиши учун оддий мезонлар берилади.

(S, Σ, μ) чекли ўлчовли Лебег фазоси, $T \in DS$, f функция S даги ўлчовли фунция ва $M^T f = \sup_{n \geq 1} S_n^T(|f|)$ бўлсин.

L_p фазолардаги классик доминант эргодик (ДЭТ) теорема қуйидагича:

Теорема.

1) Агар $1 < p < \infty$ ва $f \in L_p$ бўлса, у ҳолда $M^T f \in L_p$ бўлиб, бунда $\|M^T f\|_p \leq \frac{p}{p-1} \|f\|_p$ тенгсизлик ўринли бўлади.

2) $M^T f \in L_1 \Leftrightarrow f \in L \log L$, яъни $f \cdot \log^+ f \in L_1$.

X — (S, Σ, μ) даги СФ бўлсин. Қуйидагича таърифлар киритамиз.

(i) $f \in X$ элементи ДЭТни қаноатлантиради ($f \in DET$) деймиз, агар ҳар бир $T \in DS$ учун $M^T f \in X$ муносабат бажарилса;

